

## ШОЛИНИНГ “ТАРОНА” ВА “ИСКАНДАР” НАВЛАРИГА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ

Х.Р.Жураева<sup>1</sup>

қ.х.ф.ф.д (PhD) доцент<sup>1</sup>,

Ш.Ахмаджонова<sup>2</sup>

Талаба,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти<sup>2</sup>.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273334>

**Abstract.** Ушбу мақолада кўчат қалинлигини “Тарона” ва “Искандар” навларини ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тадқиқотларда кўчатлар сонини сийраклиги ёки қалинлиги, ўғитлар ва сувдан самарали фойдаланиш сабабли ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини кучайиши натижасида бақувват ва серҳосил ўсимликларда ҳосил элементларининг сезиларли кўпайиши кузатилди.

**Keywords:** кўчат қалинлиги, “Тарона” ва “Искандар” шоли навлари, рўваклаш, гуллаш

Гуруч ва гуруч маҳсулотлари озиқ-овқат саноатида юқори ўринни эгаллайди, сабаби инсонлар қабул қилаётган оқсилни 98% ташкил этади. Бошқа оқсилга бой озиқ-овқатлар ичида гуруч алоҳида нуфузга эга, чунки энг қимматли лизин ва аминокислоталарга бой ҳисобланиб, гуруч крахмали инсон танасига осон сингиб ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайдди.

Дунёда гуруч 3,5 миллиарддан ортиқ аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Шу сабабли, экспертларнинг хулосасига кўра дунёда хусусан, Африка ва Осиё мамлакатлари орасида келажақда гуручни исьтемом қилишда пасайиш кузатилмайди.

Республикамизда аграр тармоқда олиб борилаётган ислохотлар натижасида деҳқончиликда ресурстежамкор технологияларини жорий этилиши, пахта майдонларни қисқартирилиб, асосий ва такрорий экин сифатида шоли етиштириш ҳамда ҳар бир вилоятда шоли уруғчилигини йўлга қўйиш, экин майдонларини кенгайтириш ва аҳолини ушбу маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш борасида кенг қамровли чора -тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шоли етиштириш технологиясида экиш муддатлари энг асосий тадбир ҳисобланиб, шоли навларининг ўсув даврига қараб тўлиқ пишиб этилиши учун ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароити албатта эътиборга олинади.

Шундай бўлсада, янги яратилган шоли навларида мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини белгилаш борасидаги илмий тадқиқотлар етарлича эътибор қаратилмаган.

Экиш муддатини тўғри белгилаш орқали ўсимликнинг морфо-биологик ривожланиши мўътадил бўлиб, ўсимлик ўзининг барча ички имкониятларини юзага чиқаради ва ҳосилдорлиги энг юқори бўлади. Узоқ йиллик лаборатория ва амалий кузатишлардан шу нарса аниқланганки, экиш муддатларидаги ўзгаришлар ўсимликнинг вегетация даврига ва ҳосилдорлигига ўз таъсирини ўтказиб келган. Экиш муддати қанчалик куз фаслига томон сурилиб борса, пишиш даври шунга мос равишда қисқариб, ҳосилдорлиги эса камайиб боради.

Фарғона водийси шароитида, айниқса кузги ғалладан бўшаган майдонларда шоли етиштириш ва бир йилда бир майдондан икки марта ҳосил олиш учун ердан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Кўчат усулида шоли етиштириш ўта самарадор усуллигини ҳисобга олиб Фарғона водийсида ғалладан бўшаган ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришга қийинчилик туғдирадиган майдонларда (дарё ва сой сохиллари, тошлоқ ерлардан унумли фойдаланиб) шолининг эртапишар “Тарона”, ўртапишар “Искандар” навларини кўчат сони, экиш схемаси ва муддатларининг шоли ўсимлигига таъсирини ўрганиш мақсадида биз бир қатор тажрибалар ўтказдик.

Тадқиқотлар давомида ҳосилдорликни белгиловчи рўвак узунлиги, рўвакдаги дон сони, рўвакдаги дон вазни ва 1000 дона дон вазни ҳар бир вариант бўйича алоҳида аниқланди.

Экиш муддатлари ва экиш схемалари турлича бўлганлиги сабабли, ҳар бир параметр бўйича кўрсаткичлар ҳам бир-биридан фарқ қилди: кўчат қалинлиги ортган сари рўвакдаги дон сони камайиб борди, шунга мос равишда дон вазни ҳам ҳам оз бўлди, 1000 дона дон оғирлиги экиш схемаси 30x10x1 схемада эрта экилганда вариантда юқори бўлди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, такрорий экинда вегетация даври қисқароқ бўлганликлари туфайли ўтганлиги кузатилди. Яъни, Андижон вилоятида биринчи муддатда экилган “Тарона” нави кўчат қилиб етиштирилганида 108-112 кунда пишиб етилди.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра шолининг шолининг эртапишар “Тарона”, ўртапишар “Искандар” навларини экиш муддатлари ва схемалари шолининг турли ўсув даврларидаги ривожланишлар билан ўзаро боғлиқлик эканлиги исботлаб берилди.

Тажрибалар Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Ўқув тажриба хўжалиги далаларида олиб борилди. Дала шароитида кўчат усулида экиш муддатларига биноан кўчатлар далага олиб чиқиб экилди. Ўсимликларнинг ўсув даврларини кечиш жараёнлари синчиқлаб аниқлаб борилди.

Андижон вилояти шароитида далага шоли уруғини экишнинг 25 май муддати олиниб, далага уруғидан экилган шоли кўчатлари 25 июн, 5 ва 15 июл муддатларида кўчат усулида экиладиган вариантлар жойлаштирилди. Шолининг барча ўсув даврларини ўтишига экиш схемаси, кўчат сони ва экиш муддатларининг таъсири кузатилди.

Шоли ўсимлигининг туплаш бошланиш даврида ҳар икки навда ҳам экиш муддатлари ва экиш схемаларидан қатъий назар, вариантлар орасида кескин фарқ бўлмади.

Рўваклаш ва гуллаш даврлари учун сарф бўлган кунлар, экиш муддатларига нисбатан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар икки навда ҳам дастлабки (25 июн) экиш муддатига нисбатан кейинги (5 июль ва 15 июль) экиш муддатларида ривожланишнинг барча даврлари 2-5 кунга узоқ бўлди, лекин ушбу жараён унинг ҳосилдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Искандар шоли навида пишиш давригача бўлган энг қиқа муддат (108 кун) шолини 30x10x3 схемада 15.07. да экилганда аниқланди. Ушбу навни эрта муддатда (25.06) 30x10x1 схемада экилганда 30x10x3 схемада 15.07. да экилган вариантларга нисбатан узоқроқ (112 кун) вақт кетди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, такрорий экинда вегетация даври қисқароқ бўлганликлари туфайли униб чиқиш, тупланиш ва бошқа даврлар орасидаги кўрсаткичлар жадалроқ ўтганлиги кузатилди. Яъни, Андижон вилоятида биринчи муддатда экилган “Тарона” нави кўчат қилиб етиштирилганида 108-112 кунда пишиб етилди.

Бундан кўриниб турибдики шолини такрорий экин сифатида асосий далада эрта муддатда экилганга нисбатан мақбул муддатда экилиши ўриб янчиш ишлари учун катта имконият туғдириш билан бир қаторда 20 кун мобойнида асосий далада сув бўлмаган ва сув ҳам иқтисод қилинган.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Эргашев. М. А. Уруғликми ёки кўчат? // Ж.«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги». 2006 №3, 21-б.
2. Джуманов З.Н., Махмудова С.Ш., Эгамназаров А. Кўчат усулида шоли етиштириш. // ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003. №-4. 19-б.
3. Рахимов Г.Н., Асранов А., Эгамова М. Андижон вилояти шароитида

шолени кўчат усулида етиштириш. Шолчилик ва дуккаккли дон экинларини ривожлантиришнинг истиқболлари; нав яратиш, уруғчилик, янги технологияларни жорий қилиш. Тошкент. Мехнат. 1998. 46-б